O’ZBEKISTON RESPUBLIKASI JIZZAX VILOYATI HOKIMI
QARORI

2021 - yil 10 - noyabr 191-3-0-Q/21 Jizzax viloyati hokimligi

Жиззах вилоят йўловчилар транспортида йўловчилар ташиш ҳақини ошириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелдаги "Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида"ги 419-1-сон Қонун ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 17 августдаги 350-сон қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунинг 5, 6 ва 25-моддаларига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Жиззах шаҳрида йўловчилар ташиш фаолияти билан шуғулланувчи барча корхона ва ташкилотларга қарашли шаҳар йўналишидаги йўналишли такси йўналишларда йўловчилар ташиш хизматларининг чекланган тарифлари ҳар бир йўловчи учун 2 000 сўм (икки минг), шаҳар атрофида ва шаҳарлараро-вилоят ичида автобусларда йўловчилар ташиш 1 км. учун 1 та йўловчига 120 сўм, шаҳар атрофида ва шаҳарлараро-вилоят ичида йўналишли такси йўналишларда йўловчилар ташиш 1 км. учун 1 та йўловчига 150 сўм миқдорида белгилансин.

2. Вилоят Транспорт бошқармаси (И.Боқиев) Жиззах шаҳар ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда:

ушбу қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда йўловчилар ташиш фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотлар ва корхоналарга ушбу тарифларни жорий қилиш вазифаси топширилсин.

вилоятда транспорт тизимини, хусусан, аҳолига сифатли транспорт хизматлари кўратилишини янада яхшилаш мақсадида олиб борилаётган

ишлар, мавжуд муаммолар, уларни бартараф этиш юзасидан аниқ таклифлар ва маълумотларни вилоят ҳокимлигига ҳар ойнинг 25-санасига қадар киритиб борилишини таъминласин.

3. Вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати (А.Биноқулов) мазкур қарорни ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини ҳамда “Жиззах ҳақиқати” ва “Джизакская правда” газеталарида эълон қилинишини таъминлаш вазифаси топширилсин.

4. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят хокимининг ўринбосари Б.Назаров зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими **Э.Салиев**